رسالة إلى أصحاب الأسِّرَةِ البيضاء

Оқ чойшабли каравот эгаларига рисола

(ёки тўшакка михланиб қолган беморларнинг даъватдаги улуши)

Шайх Муҳаммад Ҳассон

Ислом Нури таржимаси

بسم الله الرحمن الرحيم

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар, у зот омонатни адо этганлар, рисолатни етказганлар, умматга холис насиҳат қилганлар, Аллоҳ таоло у зот сабабли зулматларни ёритган, у зот Аллоҳ йўлида то ўлим келгунича ҳақиқий жиҳод қилганлар деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотни энг яхши мукофотлар билан мукофотлагин.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Азиз оға-инилар, муҳтарама опа-сингиллар, барчангизга Аллоҳнинг саломи бўлсин, даврамизга хуш келибсиз, сиз-у бизни ушбу муборак Уйида Ўз тоати устида жамлаган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан охиратда ҳам ҳаммамизни Ўзининг жаннатида ва улуғлик ҳовлисида жамлашини ва даъватчилар саййиди бўлган Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга қилишини сўрайман. Зотан, У бунинг хожаси ва бунга қодирдир.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бугунги суҳбатимиз «Оқ чойшабли каравот эгаларига рисола» деб номланади. Одатимизга кўра, уни бир неча моддаларга бўлиб олиб борамиз:

Биринчи: Айюбнинг сабри

Иккинчи: Мансуралик собира аёл ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоя

Учинчи: Оқ чойшабли каравот эгаларига мактуб

Тўртинчи: Балолардан офиятда юрган кишиларга мактуб

Сўзларимга диққат-эътибор қаратишингизни умид қиламан, Аллоҳдан сизу бизга ихлос ато этишини сўрайман.

Биринчи: Айюбнинг сабри

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло сабрни қоқилмас арғумоқ, енгилмас лашкар ва забт этилмас қалъа қилди ва Ўзининг собирлар билан бирга эканни эълон қилди: **«Сабр-тоқат қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир»** (Анфол: 46).

Сабр қилувчиларнинг фазли ва улуғлигини баён қилиб, шундай деди:

«Албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева - чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) **ва албатта биз у зотга қайтувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам). **Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот** (мағфират) **ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлни топувчилардир»** (Бақара: 155-157).

Аллоҳ таоло диндаги имомликни ҳам сабр ва иймон-ишончга боғлиқ қилиб қўйди. Аллоҳ таоло айтади: **«Улар** (ўз динлари йўлидаги бало-кулфатларга) **сабр-тоқат қилишгач, Биз улардан** (одамларни) **ҳидоят қиладиган пешволарни чиқардик. Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонар эдилар»** (Сажда: 24).

Қолаверса, Аллоҳ таоло собир зотларнинг жаннатдаги манзилатларини ва фаришталарнинг уларга салом беришга киришларини баён қилиб, шундай дейди: **«Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб** (дерлар): «(Аллоҳ йўлида меҳнат-

машаққатларга) **сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли** (энди бу жаннатларда) **сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Бу охират диёри нақадар яхши!»** (Раъд: 24).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло сабр қилувчи зотларнинг ажру савоблари чексиз-чегарасиз эканини баён қилиб дейди: **«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур»** (Зумар: 10).

Хўш, сабр ўзи нима?

Сабр луғатда тийилиш ва тўхталиш маъносини англатади.

Шариат истилоҳида эса нафсни жазавага тушишдан, тилни оҳ-воҳ билан шикоят қилишдан, аъзоларни эса маъсиятдан тўхтатиб қолиш маъносида тушунилади. Сабр уч қисмга бўлинади:

Маъмурга (буюрилган ишга) сабр қилиш – яъни, тоат устида сабр қилиш.

Маҳзурдан (қайтарилган ишдан) сабр қилиш – яъни, маъсиятдан тийилиш.

Мақдурга (тақдирга битилган ишга) сабр қилиш – яъни, Аллоҳ сизга тақдир қилган бало ва мусибатларга сабр қилиш.

Сабр жамил (чиройли сабр) – банда у билан фақат Аллоҳнинг розилигини истаган сабрдир. Одамларнинг: «сабрсизлик қилиб, жазавага тушди» деган айблашларидан қўрқиб ё «жуда чиройли сабр қилди» деган гапларини кутиб қилган сабр чиройли сабр дейилмайди, балки сабри билан фақат Аллоҳнинг Юзини қасд қилса, Аллоҳга ишониб ва умидвор бўлиб, Аллоҳнинг қазо ва қадарига рози бўлиб, алам-аччиқлардан ўзини юқори тутиб, оҳ-воҳу шикоятлардан тийилиб сабр қилсагина, чиройли сабр қилган бўлади.

Дарҳақиқат, шикоят ҳам икки хилдир:

Аллоҳга шикоят қилиш;

Аллоҳдан шикоят қилиш.

Иккинчи турдаги шикоятдан Аллоҳ ўзи асрасин.

Аллоҳга шикоят қилиш сабрга зид келмайди. Аллоҳ таоло Қуръонда Ўзининг пайғамбари Яъқуб алайҳиссаломни мақтади ва унинг собирлигини баён қилди. Зотан, Яъқуб алайҳиссалом Хожасига шундай

шикоят қилганди: **«Мен ғаму ташвишларимдан ёлғиз Аллоҳгагина шикоят қилиб йиғламоқдаман»** (Юсуф: 86).

Аллоҳ таоло Ўзининг бандаси Айюб алайҳиссаломни мақтаб, шундай дейди: **«Дарҳақиқат Биз** (Айюбни) **сабр қилувчи ҳолда топдик. У нақадар яхши бандадир. Ҳақиқатан у** (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) **бутунлай қайтувчидир»** (Сод: 44).

Шундай бўлгани ҳолда Айюб пайғамбар шикоятини Аллоҳнинг Ўзига қилди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб:** «(Парвардигорим), **мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилувчиларнинг раҳмлироғидирсан», деб илтижо қилган пайтини** (эсланг)**»** (Анбиё: 83).

Аллоҳга шикоят қилиш сабрга зид келмайди. Аммо, Аллоҳдан шикоят қилиш – Аллоҳ барчамизни бундай қилишдан асрасин – холиқ устидан махлуққа шикоят қилишдир.

Сабр зикр қилинганда Аллоҳнинг пайғамбари Айюб алайҳиссалом тилга олинади. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломни мол-мулкига, бола-чақасига ва баданига бало бериш билан имтиҳон қилган эди.

Ҳамма молидан ажралди, ҳамма болалари бирдан вафот этишди!!

Аллоҳ унинг баданини балою офатга гирифтор этди. Узоқ дард чекиб, тўшакка михланиб қолди. Баданидан фақат қалби ва тилидан бошқа соғ жойи қолмади.

Шунда ҳам сабр қилди, қалби Аллоҳнинг муҳаббати ва Аллоҳдан розилик билан лиммо-лим қолаверди.

Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломни моли, фарзандлари ва баданида балога солди.

Ҳамма моли зое бўлди!

Барча фарзандлари ўлди!

Баданига оғир дард етиб, тўшакка михланиб қолди, тили ва дили соғ қолди, холос!

Дили Аллоҳнинг муҳаббати ва Аллоҳдан розилик билан тўлди, тили эса бир лаҳза бўлсин, Аллоҳнинг зикридан тинмади. Аслида, инсоннинг тириклиги шу билан ўзи.

«Саҳиҳайн»да Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Парвардигорини зикр қиладиган киши билан зикр қилмайдиган кимсанинг мисоли гўё тирик билан ўликнинг мисолидадир»** (Бухорий: 11/175, 176, Муслим: №779).

Аллоҳни зикр қилувчи киши гарчи аъзолари ўлган бўлса ҳам тирикдир!! Аллоҳнинг зикридан ғофил кимса гарчи тириклар ичида қимирлаб юрган бўлса ҳам ўликдир!!

Собира ва вафодор жуфтиҳалоли қийинчилик жонидан ўтиб кетиб: «Аллоҳга дуо қилинг, балони сиздан кўтарсин», деганида Айюб пайғамбар: «Етмиш йил соғ-саломат яшадим, энди етмиш йил дард ичида яшаб, сабр қилишга Аллоҳдан бурчлиман», деб жавоб берди!

Айюб пайғамбар қанча муддат балолар ичида яшагани тўғрисида турли фикрлар айтилган. Булар ичида тўғрироғи Имом Табарий, Ибн Ҳиббон, Ибн Аби Ҳотим, Баззор, шунингдек Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган ва икки шайх шартига кўра саҳиҳ деган, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган сўз бўлиб, унда айтилишича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Дарҳақиқат, Аллоҳнинг пайғамбари Айюб ўн уч йил балолар ичида турди, барча яқин-у узоқ кишилар ундан воз кечдилар, фақат хос асҳобларидан икки киши қолди. Улар эрта-кеч ундан хабар олиб туришарди. (Бир куни) улардан бири иккинчисига: «Қасамки, Айюб бирон катта гуноҳга қўл урриб қўйган, акс ҳолда бу бало ундан аллақачон ариган бўларди», деди».

Муфассирлар айтишларича, Айюб бу гапни эшитгач, фитнадан қўрқиб, Аллоҳ таолонинг Қуръонида то қиёмат битилиб қолган ўша машҳур дуосини қилди: **«Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб:** «(Парвардигорим), **мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилувчиларнинг раҳмлироғидирсан», деб илтижо қилган пайтини** (эсланг)**»** (Анбиё: 83).

Жавоб кўп куттирмади: **«Биз унинг** (дуосини) **мустажоб қилиб, ундаги зиён-заҳматни кетказдик ҳамда Ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб, барча ибодат қилувчиларга эслатма-ибрат бўлсин, деб** (Айюбга) **аҳли-оиласини ва улар билан қўшиб яна ўшаларнинг мислича бола-чақа ато этдик»** (Анбиё: 74).

Қандай ҳол юз берди?!!

Оламлар подшоҳи жалла ва ало Ўз пайғамбари Айюбга оёқлари остидаги ерга уришни амр этди. Бечораҳол ва бемор Айюб оёғи билан ерга заифгина урди. Шунда Аллоҳ таоло унинг оёқлари остидан бир чашмани ёрди ва Айюб Подшоҳи оламнинг: **«Мана шу муздек чўмиладиган ва ичимлик сувдир»** (Сод: 42) деган нидосини эшитди.

Аллоҳ таоло Айюбга шу сувдан ичишни буюрди. Айюб сувдан ичгач, унинг барча ботиний дардлари шифо топди. Аллоҳ таоло уни чўмилишга буюрди. Айюб чўмилгач, барча зоҳирий дардлари дарҳол даво топди. Аллоҳ таоло жуда тўғри айтганидек: **«Агар Аллоҳ сизни** (камбағаллик, хасталик каби) **бирон зиён билан ушласа, уни фақат Ўзигина аритувчидир. Агар сизни бирон яхшилик билан ушласа, билингки, У ҳамма нарсага қодирдир»** (Анъом: 17).

Ўлим чангалига тушган табибдан сўранг:

Эй дардларни даволовчи, сени ким ўлдирди?

Тиббиёт фани даволашдан ожиз қолганидан сўнг

Буткул тузалиб кетган бемордан сўранг, сени ким тузатди?

Соппа-соғ туриб ўлиб қолган кишидан сўранг:

Эй соғлом инсон, сени ўлимга ким маҳкум этди?

Тиқилинчда туртинмай бораётган кўрдан сўранг:

Эй кўзи ожиз, сени ким йўлга солмоқда?

Кўзи очиқ бўла туриб чуқурга йиқилган

Кишидан сўранг: Сени ким қулатди?

Ташқи оламдан узилган, озуқасиз яшаётган

Ҳомиладан сўранг: Сенга ким ризқ берди?

Туғилиш пайти чинқириб йиғлаган

Гўдакдан сўранг: Ким сени йиғлатди?

Заҳар сочаётган илонни кўрсангиз

Сўранг ундан: Ким сени заҳарга бой қилди?

Сўранг: Оғзинг тўла заҳар бўла туриб,

Ўзинг қандай ўлмай, омон юрибсан?

Асаларидан сўранг: Қандай бол ясайсан?

Асалдан сўранг: Сени ким тотли қилиб қўйди?

Тезак ва қон орасидан отилиб чиқувчи

Тоза сутдан сўранг: Ким сени мусаффо қилди?

Бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳга хосдир...

«Оёғинг билан (остингдаги ерни) **тепгин!» Мана шу муздек чўмиладиган ва ичимлик сувдир»** (Сод: 42).

Айюб Пайғамбар ушбу сувдан ичди ва унда ювинди. Шунда Аллоҳ таоло унинг барча дардларига шифо ато этди.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Бир куни Айюб (пайғамбар) яланғоч ҳолда чўмилаётган эди, (бир гала) тилла чигиртка келиб қўнди. Айюб уни ҳовучлаб кийимига сола бошлади. Шунда Рабби унга хитоб қилиб: «Эй Айюб, Мен сени бу кўриб турган нарсангдан беҳожат қилган эмасмидим?» деди. У: «Ҳа, иззатингга қасамки, (беҳожат қилгансан,) бироқ мен Сенинг баракотингдан беҳожат эмасман», деди»** (Бухорий: №3391).

Ҳоказо, Аллоҳ таоло Айюбни дардларидан халос этди ва узоқ йиллик чин сабр-тоқатидан сўнг ундан балони аритди.

Айюб пайғамбар ҳикоясини тугатишдан олдин айрим илми саёзроқ кишиларни огоҳлантириб ўтишни истардимки, баъзи исроилиёт китобларида бу ҳақда очиқ ёлғон ва Аллоҳнинг пайғамбари шаънига ярашмайдиган бўҳтон сўзлар келади.

Ана шундай ёлғонлардан бири шуки, Аллоҳ таоло пайғамбари Айюбнинг баданини қуртлар билан балолаган эмиш, баданидан бирорта қурт ерга тушиб кетса, уни ердан олиб, яна ўрнига қўйиб қўяр эмиш, баданидан бадбўй ҳид таралиб, ҳамма ундан жирканиб, узоққа қочиб кетар эмиш!!.. Бу Аллоҳ таоло Ўзининг пайғамбарларини бундай жирканч ҳолатлардан пок қилганини яхши англайдиган покиза табиат ва соғлом ақллар асло қабул қилмайдиган очиқ-ойдин ёлғон гапдир!

Иккинчи: Мансуралик собира аёл ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоя

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Агар мана шу ҳикоядан шахсан ўзим воқиф бўлмаганимда ва бу собира муслима аёлни ўз кўзим билан кўрган бўлмаганимда, у ҳақида айтилаётган бу сўзларни бўлмаган гап деб ҳисобласам керак эди..

Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларидан бўлган бир муслима аёл бизнинг шу йигирманчи асримизда Аллоҳнинг пайғамбари Айюбнинг сабрини амалда кўрсатиб берди.. Пайғамбарларнинг сабридек сабр қила олган инсонни уммати Муҳаммад ичидан бизларга кўрсатиб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!.

Бу аёлнинг ҳикояси Мансура марказидаги ўзи туғилиб ўсган кичик бир маҳаллада бошланади..

Ўн саккиз ёшида турмушга чиқади..

Икки йилдан сўнг илк фарзанди дунёга келади. Олтмиш еттинчи йили унга дард ёпишади, қорнида кучли оғриқ ҳис қилади.. Зудлик билан уни Мансуранинг клиник шифохонасига етказадилар. Мутахассис шифокорлар унга ингичка ичакларда тиқилиш ташхисини қўядилар ва шошилинч операция қилиб, ичакнинг бир қисмини олиб ташлашга қарор қиладилар!..

Олти ойдан кейин шифокорлар айни ташхис бўйича ичакнинг яна бир қисмини олиб ташлаш зарур деган хулосага келадилар ва яна операция қиладилар..

Яна олти ойдан кейин ичакнинг яна бир қисмини кесиб олиб ташлаш зарур деган қарорга келадилар..

Бу мартасида шифокорлар аёлнинг ўта хатарли, медицина оламида «Т.В» (туберкулёз) деб аталувчи сил касаллигига чалинганини аниқладилар. Шундан сўнг улар бу касалликка жарроҳлик йўли билан аралашишдан тўхталиш ҳамда дори-дармон ва уколлар билан чекланиш қарорига келдилар, аёлнинг ишини Аллоҳга топширдилар..

Аёл сабр қилиб, Аллоҳнинг қазосига таслим бўлиб, оқ чойшаб солинган каравотида ётиб қолади..

Тили Аллоҳнинг зикридан тўхтамас, Аллоҳга сано ва шукр айтишдан бўшамас эди.

Кейинроқ касаллик яна-да қаттиқ хуруж қилиб, ингичка ичакларнинг ҳаммасини қоплаб олди! Сўнгра ўнг буйрагига чанг солиб, уни батамом ишдан чиқарди!.

Кейин касаллик бачадонига ўтди ва бачадон ҳам унинг домига тушди!

Кейин касаллик суякларга ўтди, унинг таъсирида суяклар емирила бошлади!! Суяклар қурт еб юборган хашакка ўхшаб ўта мўрт ҳолга келиб қолди!

Кейин навбат кўзига келди ва чап кўзи умуман кўрмай қолди!

Қаранг, ҳар сафар шифокордан касалликнинг янги босқичга ўтгани хабарини эшитганида табассум қилиб, осмонга қараб: «Алҳамду лиллаҳ, алҳамду лиллаҳ», дерди!!

Улкан сабр тоғига айланган эди гўё!!

Олтмиш еттинчи йил тўшакка михланиб қолганича ётарди бечора аёл!!

Касалликка чалинганидан олти йил ўтгач, эри ажрашиб кетди, бу орада тўрт ёшга кирган гўдаги вафот этди.. Аллоҳ таолодан ажр умид қилиб, сабр қилди..

Саксон бешинчи йили ҳаж мавсумидан олдинроқ овоз тасмасига ёзилган ҳаж мавзусидаги бир маърузани эшитиб қолади ва жуда қизиқ бир қарорга келади..

Нима қарорга, дейсизми?! Аллоҳнинг Уйини зиёрат ва ҳаж қилишга қарор қилади! Бунисига нима дейсиз?!!

Даволовчи врачига ҳажга бормоқчи эканини айтганида у табассум қилди..

«Йўқ, мен шундай қилишга азм қилдим ва Аллоҳга таваккул қилдим», деди аёл..

Шифокорлар унга агар каравотидан жилгудек бўлса, ўша заҳоти ҳаёти хатар остида қолишини айтиб, таҳдид қилишди..

Бироқ, у тўла ишонч билан: «Мен Аллоҳнинг даргоҳига Унинг тоати устида кетишни истайман!», деб жавоб берди..

Ибодат устида Аллоҳга йўлиқишга қарор қилди.. Ўзи эга бўлган ер-мулкини сотди, пулини ҳаж сарф-харажатларига сарфлашга қарор қилди.. Тақволи ва покиза мусулмон шифокори унга далда бериб, қарорини қўллаб-қувватлаб турди, у учун Аллоҳдан ажру савоб сўради.

Сафар онлари етиб келди.. Аёлни аэропортга элтувчи машинани олиб келдилар.

Шифокорлар озиб-тўзиб, бир тутам бўлиб қолган бу бечоранинг баданига уланган резина ичакларни узишга киришдилар. Бечора аёл, шу

резина ичакларсиз яшай олмай қолганди.. Астағфируллоҳ, у оламлар Роббининг амри билангина яшаб турган эди.

Биринчи резина ичакни уздилар.. Унинг вазифаси баданга озуқа эритмасини юбориб туриш эди. Чунки, аёл олтмиш еттинчи йилдан бери емак-ичмак мазасидан бебаҳра эди.. Ёлғиз мана шу ичаклар ёрдамида озиқлантириб туриларди..

Иккинчи резина ичак чиқинди ажратиб чиқариш учун эди..

Учинчи резина ичак орқали бу заиф баданга қон қуйиб туриларди..

Тўртинчи резина ичак ингичка ичакдаги сўлакни бурун орқали чиқариб туриш учун эди..

Шифокорлар бирин-кетин резина ичакларни узарканлар, ҳар дақиқада ўлим содир бўлишини кутиб турардилар, аёл эса кўтаринки кайфиятда, тинмай табассум қиларди, ҳаж сафарига отланаётганидан ғоят бахтиёр эди..

Уни машинага, кейин эса самолётга ўтқиздилар.. Олиб юриб, ҳажнинг барча расм-русумларини қилдирдилар, биргина «Бўл!» деган амри билан ҳамма нарсани бўлдиришга қодир Зотнинг мўъжизаси ила ҳаж фарзини тўла адо этди..

Ҳикоя қилиб бераркан, ўзи ҳам ажабланар, фақатгина дорилар ва витаминлар воситасидагина озиқланганини айтарди..

Бутун сафари давомида Ўз Уйини кўришга мушарраф этгани учун Аллоҳга йиғлаб, шукроналар айтади, сўнгра Мадинага бориб, Пайғамбаримиз масжидларини зиёрат қилиш ва у зотга салом беришга мушарраф бўлади.

Ҳаж сафаридан қайтиб, яна ўша ўзининг оппоқ чойшаб солинган каравотига келиб ётади. Ўша кезлари у мени ўзининг зиёратига чорлади. Мен ҳозир шу масжидимизда ўтирган бир неча биродарлар ҳамроҳлигида унинг зиёратига отландим.. Аллоҳга қасамки, мен унинг ҳузурига унга Аллоҳни эслатиш ва таскин бериш учун боргандим.. Бироқ, у менга Аллоҳни эслатиб қўйди!!.. Мен унинг олдидан чиқиб келарканман, ўзимнинг нақадар ҳақир эканимни, Аллоҳ учун қилаётган амалим нақадар ҳақирлигини ўйлардим!!

Ажойиб аёл.. Тили бир зум ҳам Аллоҳнинг зикридан тўхтамас, тинимсиз Аллоҳга ҳамд айтиб турарди..

Мен сизга унинг ётган хонасини тасвирлаб бераман. Хона парда билан иккига бўлинган. Ярмини масжидга айлантириб олган, ярмида эса каравоти, каравоти ёнига эса дори-дармон сотиб олишга қурби етмайдиган фақир беморларга ёрдам кўрсатишни истаган кишиларнинг эҳсонлари учун бир қути қўйилган.. Унинг ёнида магнитофон ва аудио кассеталар териб қўйилган жавонча қўйилган. Доктор ва ҳамширалар маъруза ёзилган кассеталарни олиб, эшитиб туришаркан.

Аёл мана шу ҳолатида туриб, Аллоҳга даъват қилмоқда!! Ана ҳақиқий ҳаёт.. Аллоҳга қасамки, ҳақиқий ҳаёт мана шу!.

Ахир қанча-қанча одамлар бор, Аллоҳнинг ўзларига бериб қўйган неъматларига нонкўрлик қилиб юришади.. Бу аёл эса мана шундай беморлик ҳолида ётиб туриб ҳам, бир зум ҳам Аллоҳнинг даъватидан тўхтамаяпти!!

Исломий маърузалар ёзилган кассеталар билан Аллоҳга даъват қилмоқда.. Садақалар йиғиш орқали Аллоҳга даъват қилмоқда.. Врачлар ва ҳамширалар ўртасини ислоҳ қилиш билан Аллоҳга даъват қилмоқда.. Беморлар орасини ислоҳ қилиш билан Аллоҳга даъват қилмоқда.. Ҳаётининг ҳаммасини Аллоҳ азза ва жалланинг тоатига бағишлаган.. Тили зокир, дили шокир, аъзои бадани балоларга собир..

Вафотидан тўрт кун илгари мен унинг ҳузурига бордим. Ёнига ўтириб: «Тузукмисиз?», деб сўрадим. «Алҳамду лиллаҳ», деди у. Мен уни мақтаб, илиқ сўзлар айтдим. Шунда у: «Аллоҳга қасамки, мен қўрқаман», деди.

«Нега?», деб сўрадим.

«Шунча йиллик сабримни Аллоҳ қабул қилмай қолишидан қўрқаман! Сиз ҳаққимга дуо қилинг, Аллоҳ хотимамни чиройли қилсин», деб жавоб берди.

«Хурсанд бўлинг, Аллоҳ Ўз карами билан жорий қилган одатига кўра, ким нима ҳолатда яшаса, ўша устида вафот этади, ким нима амал устида вафот этса, ўша нарса устида қайта тирилади», деб тасалли бердим унга.

Тўқсон олтинчи йил 10 апрел, чоршанба куни тили Аллоҳнинг зикри билан намланган ҳолда вафот этди.. Аллоҳ Ўз раҳматига олган бўлсин ва Ўзининг жаннатларида бизни ҳам у билан бирга қилсин.

Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта: «Парвардигоримиз Аллоҳдир», деб, сўнгра** (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) **тўғри — устивор бўлган зотларнинг олдиларига** (ўлим пайтида) **фаришталар тушиб,** (дерлар): **«Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар! Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизлар учун** (жаннатда) **кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир.** (Бу) **мағфиратли ва меҳрибон зот томонидан бўлган зиёфатдир»** (Фуссилат: 30-32).

Нақадар арзон ҳаёт у агар фақат шаҳватларинг ва нафс истакларинг учунгина яшаган бўлсанг!!..

Нақадар арзон ҳаёт у агар киши шу дунёнинг ўткинчи матолари учунгина яшаб ўтган бўлса!!

Нақадар арзон ҳаёт у агар киши ўткинчи мансаб курсиси учун яшаб ўтган бўлса!!

Нақадар қийматли ҳаётдир киши агар бутун умрини Аллоҳнинг тоатида ўтказган бўлса!!

Нақадар қийматли ҳаётдир киши агар Аллоҳнинг унга ато этган неъматларини фақат Унинг розилигини топиш учун сарфлаган бўлса!!

Учинчи: Оқ чойшабли каравот эгаларига мактуб

Дард ва бало чангалига тушган, сурункали касаллик тўшакка михлаб қўйган, шу ҳолда Аллоҳнинг қадарига сабр қилиб, Унинг қазосига рози бўлиб ётган муслим ва муслималарга...

Беморлик тўшагида ётиб қолган эй мусулмон оға-иниларим, опа-сингилларим! Сабр қилинг ва хурсанд бўлинг!

Эй балога сабр қилиб ётган муҳтарамлар! Билингки, ҳақиқий ҳаёт қалбнинг Аллоҳга иймон билан тўлиб-тошган ҳаётидир! Билингки, ҳақиқий ҳаёт гарчи қўл-оёқлар ҳаракатдан тўхтаб қолган эса-да, тилнинг Раҳмон зикри билан равон бўлиб турган ҳаётидир!

Эй балоларга сабр қилувчилар! Хурсанд бўлинг, Имом Муслим Суҳайб Румий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай хушхабар берганлар:

«Мўминнинг иши қизиқ, унинг барча ишлари яхшиликдир. Бу эса мўминдан бошқасига насиб бўлмайди. Агар унга бир хурсандчилик етса, шукр қилади ва бу унга яхшиликдир. Агар бирон кулфат етса, сабр қилади ва бу ҳам унга яхшиликдир» (Муслим: №2999).

Хурсанд бўлинг эй балога сабр қилувчилар, Имом Бухорий ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай хушхабар берганлар: **«Мусулмон кишига етган машаққат, касаллик, ғам-ташвиш, ҳафагарчилик, азият, ҳатто баданига кирган бир тикан сабабли ҳам Аллоҳ таоло унинг гуноҳларидан ўчиради»** (Бухорий: №5641, 5642, Муслим: №2573, Термизий: №966).

Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам кучли истмага мубтало бўлдилар, баданлари ҳароратнинг зўридан титрарди. Ана шу ҳолда ҳузурларига Ибн Масъуд кирдилар. «Саҳиҳайн»да келган ҳадисда айтилишича, Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига беморлик пайтларида бордим, у зот қаттиқ иситмалаб ётган эканлар. Мен: «Сиз иситмада куйиб-ёняпсиз ё Расулуллоҳ», дедим. **«Ҳа, эй Абдуллоҳ, мен сизлардан икки киши тортганча дард тортаман»**, дедилар. «Сизга бунинг учун икки карра ажр бўлар», дедим. **«Ҳа» дедилар** сўнгра қўшиб қўйдилар: **«қай бир мусулмон кишига бирон азият етса, шу сабабли Аллоҳ унинг гуноҳларини худди дарахт баргларини тўккани каби тўкиб юборади»,** (Бухорий №5647, Муслим: №2572).

Дард сиздан гуноҳларни тўкиб юборади эй балоланган ва сабр қилувчи мусулмон биродар!

Аллоҳ таоло айтади:

«Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) **кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас** (шу имтиҳон воситасида) **албатта Аллоҳ** («Иймон келтирдик» деб) **рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур»** (Анкабут: 2-3).

«Ёки (эй мўминлар), **сизлардан илгари ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга**

бало ва мусибатлар (устма-уст) **келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайғамбар ва иймонли кишилар: «Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?» дейишган эди.** (Шунда уларга бундай жавоб бўлган эди:) **«Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир»** (Бақара: 214).

Эй дардга мубтало бўлиб, чиройли сабр қилаётган инсон! Хурсанд бўлинг, Саъд ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай хушхабар берганлар: **«Одамларнинг энг қаттиқ имтиҳон қилинувчилари пайғамбарлардир. Сўнг иймоний мартаба ва фазилатда энг олийлари сўнгра улардан қуйироқлари. Киши динига қараб имтиҳон қилинади. Агар динида салобат бўлса, имтиҳони ҳам қаттиқ бўлади. Агар динида бўшлик бўлса, дини миқдорига қараб имтиҳон қилинади. Бир бандага балолар келишда давом этаверади, ҳатто уни ер юзида бирон гуноҳи қолмаган ҳолда юрадиган қилиб қўяди»** (Саҳиҳ, Термизий: №2400, Саҳиҳул-жомиъ: №992, Мишкот: №1562).

Бало агар унга сабр қилсангиз раҳматга айланади, Аллоҳ таоло у туфайли гуноҳларингизни ўчиради, эй собир муслим ва муслима!

Эй беморлик тўшагида ётган муслим ва муслима! Мен сизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзларини эслатишни истайман: **«Сизлардан бирон киши ўзига етган қийинчилик туфайли асло ўлимни орзу қилмасин! Агар жуда бўлмаса: «Парвардигор! Агар ҳаёт мен учун яхши бўлса, яшаттиргин, агар ўлим мен учун яхши бўлса, менга ўлим бергин», десин»** (Бухорий: №6571, Муслим: №2680, Термизий: №971, Абу Довуд: №3108).

Эй собир муслим ва муслималар! Сизларга битган мактубимни Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳунинг мана бу қимматли сўзлари билан якунламоқчиман: *«Эй одамлар! Қазо-қадарида Аллоҳни айбламанг! Зеро, Аллоҳ ҳеч кимга зулм қилмайди. Агар сизга яхши кўрган нарсангизни туширса, офият учун Аллоҳга ҳамд айтинг. Агар ёқтирмаган нарсангизни туширса, сабр қилинг ва савоб умид қилинг. Билингки, Аллоҳнинг ҳузурида гўзал ажру-савоблар бордир».*

Аллоҳ азза ва жалладан юқорида номи зикр қилинган муслима аёлни мағфират этишини ва уни Ўз даргоҳида шаҳидлар қаторида қабул айлашини сўрайман. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қай бир мусулмон қорин оғриғи билан вафот этса, Аллоҳ ҳузурида шаҳид саналишини айтганлар.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сизлар кимни шаҳид деб ҳисоблайсизлар?»,** дедилар.

«Ким Аллоҳ йўлида ўлдирилса, ўша шаҳиддир», деб жавоб беришди.

«Ундай бўлса, умматимнинг шаҳидлари жуда оз экан», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

«Шаҳидлар кимлар, ё Расулуллоҳ?», деб сўрашди.

«Ким Аллоҳ йўлида ўлдирилса, у шаҳиддир, ким тоунда (вабо, ўлатда) ўлса, у шаҳиддир, ким қорин оғриғи билан ўлса, у шаҳиддир», деб жавоб бердилар (Муслим: №1915, Муватто: 1/131, Термизий: №1063)

«Муватто» ва Термизий ривоятида: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Шаҳидлар беш (турли)дир: Вабо билан ўлган, қорин оғриғи билан ўлган, чўкиб ўлган, вайрона остида қолган ва Аллоҳ йўлида шаҳид бўлган киши».**

Бу Аллоҳ жалла ва алонинг фазлидир. Аллоҳ таолодан уни Ўз ҳузурида шаҳидлар қаторида қабул қилишини сўрайман.

Аллоҳ таолодан барча дардга чалинган ва балога гирифтор бўлган муслим ва муслималарнинг шифоларини осон ва енгил қилишини сўрайман. Эй Аллоҳ, барча мусулмон беморларга шифо бергайсан.

Эй Аллоҳ, уларнинг шифоларини осон қилгин, этлари ўрнига яхшироқ этни, қонлари ўрнига яхшироқ қонни алмаштириб бергин, улар устига Ўз раҳматингни ёғдиргин, эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи!

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Тўртинчи: Балолардан офиятда юрган кишиларга мактуб

Севикли дўстларим! Аввало ўзимга ва кейин сизларга эслатмоқчиманки, Исломдан кейинги энг катта неъматлардан бўлган офият-саломатлик неъмати шукронасига Аллоҳга сажда қилинглар. Зеро, саломатлик соғлом кишилар бошида ярқираб турувчи тождир, уни фақат бу неъматдан маҳрумлар кўра олади!!.

Эй Аллоҳнинг саломатлик неъматига мушарраф бўлган мусулмон биродар, бу неъмат шукронасига Аллоҳга сажда ва ибодат қилинг! Билингки, офият неъмати иймондан кейинги энг буюк неъматлардандир.

Қанча-қанча одамлар борки, ризқ мол-дунёга эга бўлишда деб ўйлайди, Ислом неъмати, саломатлик ва тандурустлик неъмати ундан олдин туришини билмайди.

Билингки, шукрнинг учта рукни бор:

Неъматни ботинда эътироф этиш;

Неъматни зоҳирда гапириш;

Неъматни Аллоҳнинг тоатида ишлатиш.

Ҳамд тил ва қалбга доирдир, шукр эса қалб, тил ва бадан аъзоларига доирдир.

Раҳмон ва Раҳим зот айтганидек: **«**(Эй) **Довуд хонадони,** (Аллоҳ сизларга ато этган бу неъматларнинг) **шукронаси учун амал-ибодат қилинглар!»** (Сабаъ: 13).

«Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунги намозда узоқ турганларидан оёқлари шишиб кетди. У зотга: «Аллоҳ сизнинг ўтган ва келгуси гуноҳларингизни кечирмаганми, ахир?!», дейилганда у зот: **«Шукр қилувчи банда бўлмайинми?!»**, деб жавоб бердилар (Бухорий: 3/12, Муслим: №2819, Термизий: №412).

Бир кишидан: «Қандай тонг оттирдингиз?», деб сўралганда: «Икки неъмат ичида тонг оттирдим, улардан қай бири афзалроқ эканини билмайман.

Бири, Аллоҳ гуноҳларимни яшириб, ҳеч ким мени айблашга қодир бўлмагани;

Иккинчиси, Аллоҳ бандалари қалбида менга нисбатан солиб қўйган муҳаббатки, унга мен ўз амалим билан эришолмасдим», деб жавоб берган экан.

Аллоҳ сизга саломатлик неъматини инъом қилган бўлса, бунинг учун шукр қилинг. Шукр эса уни Аллоҳни рози қиладиган йўлда ишлатиш билан бўлади.

Агар Аллоҳ сизга фарзандлар неъматини ато этган бўлса, бунинг учун Унга шукр қилинг. Шукр эса фарзандларни Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннатлари устида тарбия қилиш билан бўлади.

Агар Аллоҳ сизга покиза жуфтиҳалол ато этган бўлса, бунинг учун шукр қилинг. Шукр у ҳақда Аллоҳдан тақво қилиш ва уни Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннатлари устида тарбия қилиш билан бўлади.

Агар Аллоҳ сизга амал ва мансаб курсиси берган бўлса, бунинг шукронаси ўлароқ мансабингизни одамларнинг ғам-ташвишларини аритиш йўлида ишлатинг.

Агар Аллоҳ сизга мол-дунё ато этган бўлса, бунинг учун Аллоҳга шукр қилинг. Шукр эса уни Аллоҳ суядиган ишлар учун сарфлаш билан бўлади.

Агар Аллоҳ сизга илм неъматини берган бўлса, бунинг учун Аллоҳга шукр қилинг. Шукр эса унга амал қилиш, уни таълим бериш ва одамларни Аллоҳга дават қилиш билан бўлади.

Мактубимнинг иккинчи қисми:

«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар. Албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» (Наҳл: 18).

Эй Аллоҳнинг неъматини Аллоҳнинг маъсиятига ишлатаётган кимса, уялмайсанми?!

Эй Аллоҳнинг неъмати билан Унинг маъсиятига журъат қилувчи кимса, Аллоҳдан ҳаё қилсанг бўлмайдими?!

Эй кўзини ҳаром авратлар ортидан югуртирувчи, уялсанг бўлмайдими?! Ахир кўз неъматидан маҳрум кишиларни ёдга олсангчи!!

Эй қўлини жабр-зулмга ишлатаётган кимса, уялсанг бўлмайдими?! Қанчадан-қанча қўлсизларни ёдга олсангчи!!

Эй оёғини Аллоҳнинг маъсиятида юришга ишлатаётган кимса, ҳаё қилсанг бўлмайдими?! Тўшакка михланиб қолган қанча-қанча инсонлар бор, ахир!!

Эй мансабини ва курсисини одамларга зулм қилиш ва Аллоҳнинг бандаларини таҳқирлаш учун ишлатаётган кимса, уялсанг бўлмайдими?!

Ўзингнинг заифлигинг, ожизлигинг ва муҳтожлигингни ёдда тутсангчи!! Агар Аллоҳ азза ва жалла баданингни ҳаракатга келтириб қўймаганида, ерга ва тўшакка михланиб ётган бўлардинг!!

Мансабинг ва амалинг сени алдаб қўймасин! Обрў-эътиборинг сени мағрур қилиб қўймасин! Сен бир заиф ва мискин бандасан!

Оғзингда сўлакни, бурнингда мишиқни, қўлтиқларинг остида бадбўй терни, буйрагингда сийдикни, қорнингда нажосатни кўтариб юрасан!! Ҳар куни бир-икки бор қўлинг билан нажосатингни артасан!

Эй инсон! Парвардигорингга нисбатан бунчалар мағрур бўлмасанг!! Эй обрўсига мағрур бўлган! Билгинки, Аллоҳ таоло уни сендан олиб қўйишга қодир! Билгинки, курсинг йўқ бўлувчи, мансабинг қўлдан кетувчидир! Агар ўтирганинг мансаб курсиси бировга вафо қилганида, сенга ҳеч қачон етиб келмаган бўларди! Билгинки, дунёнинг ҳаммаси фоний, мансаблар бевафо!

Аллоҳ таоло рост айтанидек: **«**(Ер) **юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи — Ўзигина боқий мангу қолур»** (Ар-раҳмон: 26, 27).

Бу нарсани эсингизда тутинг эй офият аҳли! Бемор биродарларингизни зиёрат қилиш ва ҳақларига дуо қилишдан бахиллик қилманг! Зиёрат беморнинг зиммамиздаги ҳақларидан. «Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Мусулмоннинг мусулмон устида бешта ҳаққи бор: Саломга алик олиш, касални бориб кўриш, жанозага қатнашиш, чақирилган жойга бориш, акса урганга (ярҳамукаллоҳ деб) ташмит айтиш»** (Бухорий: 3/9, Муслим: №2126, Абу Довуд: №5030, Термизий: №2738, Насоий: 4/53).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган мана бу гўзал ҳадисга қулоқ беринг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Аллоҳ таоло қиёмат куни айтади:

- «Эй одамзот, мен касал бўлдим, кўргани келмадинг».

Банда: - «Эй Роббим, мен Сени қандай кўргани бораман, ҳолбуки Сен бутун оламлар Парвардигори бўлсанг?», дейди.

- «Фалон бандам касал бўлганини билгандингку, сен уни бориб кўрмадинг. Агар уни кўргани борганингда Мени унинг ҳузурида топган бўлардинг! Эй одамзот, Мен сендан емиш сўраб келдим, сен менга таом бермадинг».

- «Эй Роббим, мен Сенга қандай таом беришим мумкин, ҳолбуки Сен бутун оламлар Парвардигори бўлсанг?»

- «Фалон бандам сендан емиш сўраб келди, сен унга емиш бермадинг. Агар уни тўйғизганингда ўша нарсани Менинг ҳузуримда топган бўлардинг! Эй одамзот, Мен сендан сув сўраб келдим, сен менга сув бермадинг».

- «Эй Роббим, мен Сенга қандай сув беришим мумкин, ҳолбуки Сен бутун оламлар Парвардигори бўлсанг?»

- «Фалон бандам сендан сув сўраб келди, сен унга сув бермадинг. Агар уни суғорганингда ўшани Менинг ҳузуримда топган бўлардинг!» (Муслим (№2569) ривояти).

Демак, беморларни зиёрат қилиш, улар дилига сурур киритиш, лабларига табассум югуртириш, улар ҳаққига кўп дуолар қилиш биз офият аҳлининг зиммамиздаги ҳақлардан саналаркан.

Сўзим сўнгида айтаман, азиз дўстлар, тавбани янгиланг, давомий тавба қилинг! Ёдда тутингки, дунё ўткинчи ҳовли, охират абадий қароргоҳимиздир. Ўткинчи ҳовлидан абадий қароргоҳга озуқа олинг, сир-асрорингиздан яхши хабардор Зот олдида шармандаи-сармисор бўлиб қолманг, барчангиз Аллоҳга тавба қилингиз эй мўминлар, шояд нажот топсангизлар.

Аллоҳга иқбол қилинг, Аллоҳга қайтинг эй ёшлар, эй Аллоҳнинг офият неъматини Унинг маъсиятида ишлатаётганлар!

Эркагу аёл, ёшу қари, барчамиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога сидқидил қайтайлик, Аллоҳнинг раҳматига ва афвига аниқ ишониб, тавба қилайлик.

Аллоҳ таоло айтади: **«**(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ** (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) **барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар: 53).

Эй Аллоҳ, бизнинг беморларимизга ва барча мусулмон беморларга шифо ато этгин, уларнинг шифоларини осон-қулай қилиб қўйгин эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи!

Эй Аллоҳ, уларга Ўз ҳузурингдан раҳмат индиргин.

Эй Аллоҳ, тирик эканмиз, қулоқ, кўз ва куч-қувватларимиздан фойдалантиргин, бизга зулм қилган кимсалардан ўчимизни олиб бергин, бизга тажовуз қилган кимсалар устидан Ўзинг бизга ёрдам бергин.

Эй Аллоҳ, Исломга нусрат бер, мусулмонларни азиз қил, Ўз фазлинг билан ҳақ калимасини ва динни олий эт.

Эй Аллоҳ, бизлардан бирон кишининг ҳам гуноҳини қўймай кечиргин, биронта ҳам беморни қолдирмай шифо бергин, қарздорларимизнинг қарзини ўтагин, вафот этганларимизни раҳматингга олгин, осийларимизга ҳидоят бергин, тоат-ибодатда бўлганларимизни собитқадам қилгин, Ўзинг рози бўладиган ва биз учун фойдали бўлган ҳожатларимизни раво қилгин эй раҳмлиларнинг раҳлироғи!

Эй Аллоҳ, ушбу жамоатимизни раҳматинг инган жамоат қилгин, бу ердан тарқалишимизни гуноҳдан холи тарқалиш қилгин, ораларимизда биронта ҳам бахтсиз ва маҳрумни қолдирмагин.

Эй Аллоҳ, бизни ҳидоят қилгин, биз сабабли ҳидоят қилгин, бизни ҳидоятланувчиларга сабабчи қилгин.

Эй Аллоҳ, Ўзингнинг динингга тамкин-ғалаба ато эт. Парвардигорим, биз мағлубмиз, Ўзинг нусрат бер.

Эй Аллоҳ, биз Сенга хоинларнинг хиёнатидан, муваҳҳидларнинг заифлигидан шикоят қиламиз. Аллоҳим, заифлигимизга раҳм эт, синиқлигимизни тузат, гуноҳларимизни мағфират эт, айбларимизни

яшир, асирларимизни бўшат, амалларимиз хотимасини солиҳ амаллар қилгин.

Эй Аллоҳ, яҳудлар ва уларга ёрдам бераётганларга Ўзинг кифоя қилгин. Эй Аллоҳ, яҳудлар туфайли динга ва умматга хоинлик қилаётган кимсаларга Ўзинг кифоя қилгин.

Эй Аллоҳ, ер юзидаги барча мусулмон мужоҳид биродарларимизни Ўзинг собитқадам қилгин.

Дўстларим! Неки тўғриликка муваффақ этилган бўлсам, ҳаммаси Аллоҳнинг ёлғиз Ўзидан, неки хато, унутиш содир бўлган бўлса, бари ўзимдан ва шайтондан. Мен устидан сизлар жаннатга ўтиб оладиган, ўзи эса жаҳаннамга улоқтириладиган кўприк бўлиб қолишдан, сизларга насиҳат қилиб, ўзимни унутишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман.

Эй Аллоҳ, Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўллагин.

2010 йил 5-ноябр